*Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг учинчи сессияси*

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ҚОИДАЛАРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ III СЕССИЯСИГА ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ МАЪРУЗАСИ

*Маърузачи — Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси депутат Ш. Р. МИРСАИДОВ*

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

Ҳаммангизга маълум, шу йил 17 октябрда барча рўзномаларда «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳаси эълон этилган эди. Шубҳасиз, барчангиз бу лойиҳа билан чуқур танишиб, ўз сайловчиларингиз билан маслаҳат қилиб, уларнинг фикрларини олиб келгансиз.

Ўтган икки ҳафта ичида Вазирлар Кенгашига депутатлардан, Олий Кенгашнинг қўмиталаридан, олимлардан, мутахассислардан, оммавий ва илмий-текшириш ташкилотларидан, ишчи ва деҳқонлардан жуда кўп қимматли таклифлар, танқидий мулоҳазалар ва саволлар тушди. Бу, албатта, табиий нарса, чунки гап жумҳуриятимиз ва халқимизнинг иқтисодий эркинлиги ва фаровонлиги устида кетяпти.

Тушган таклифларни биз катта синчковлик билан ўрганиб, кўпчилигини қабул қилдик.

Сиз, ҳурматли депутатлар танишган лойиҳа Вазирлар Кенгашига тушган таклиф ва мулоҳазалар асосида қайтадан тўлдирилди ва матбуотда эълон қилинган лойиҳадан бир мунча фарқ қилади. Биринчидан, лойиҳага қўшимча қилиб «Нарх-наво сиёсати», «Аграр-саноатдаги иқтисодий муносабатлар», «Маҳаллий бошқариш», «Илмий-техника тараққиёти ва халқ хўжалиги таркибини такомиллаштириш» каби янги бўлимлар қўшилди. Иккинчидан — фан, маориф, маданиятга доир бўлимлар анча кучайтирилган.

Энди, «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг қоидалари» лойиҳасининг асосий мазмунига ўтишдан олдин бир муҳим муаммога алоҳида тўхтаб ўтмоқчиман.

Нима учун биз бозор иқтисодига ўтиш эмас, балки унга ўтиш учун пухта тайёргарлик кўришнинг асосий йўналишларини, унга олдин замин яратиб туриб босқичма-босқич ўтишни мўлжаллаяпмиз?

Чунки бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, бу тадбирни амалга оширишда марказда ишланиб ва марказдан туриб буйруқбозлик йўли билан ҳар бир жумҳуриятнинг ўзига хос иқтисодий-ижтимоий хусусиятларини эътиборга олмасдан иш тутиш, меҳнаткаш халқнинг муҳофазасини ўйламай туриб уни бозор иқтисодининг нарх-наво гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас.

Бозор иқтисодига ўтиш учун тайёргарчилик ҳар бир участка, цех, корхонадан, ҳар бир маҳалла, қишлоқ, ноҳия, вилоят Советидан бошланмоғи даркор.

Бу тадбирларни амалга оширишдаги энг катта қийинчилик шундан иборатки, биз бунга руҳий жиҳатдан тайёр эмасмиз.

Бунинг асосий сабаби ва катта хатомиз шундан иборатки, бизни 70 йилдан кўпроқ ҳокимлик қилиб келган тузумимиз халқни давлатга боқиманда қилиб тарбиялади.

Давлат мулки — халқ мулки деб, давлатимиз бой, бизни боқади, ўқитади, даволайди, уй-жой ва иш беради, бу унинг вазифаси деган сароб хаёллар билан мана шу бугунгидек қашшоқ ҳаётга етиб келди.

Биз бугун шуни рўй-рост айтишимиз кераки, ҳеч қачон давлат мулки ёки умумхалқ мулки — шахсий мулк бўлолмайди ва қанча ташвиқот қилинса ҳам уни ҳеч ким ўз мулкидек асраб кўпайтиришга ҳаракат қилмайди. Бунга тарих сабоқлари далолатдир.

НЭП даврини ҳисобга олмаганда биз 30-йиллардан бошлаб деҳқонларни қулоқ қилиб еридан ажратишдан бошлаган бўлсак, бу жараённи 60-йилларга келиб артелларнинг мулкини тугатиш билан тамомладик.

Биз одамларни иқтисодий рағбатлантириш ўрнига халқни мажбурий қўрқитиш йўли билан иш олиб бордик.

Мана шу асосий камчиликни йўқотиш, давлат мулкида ўзининг шахсий улушига эга бўлиш ва унга яраша фойда олиш бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо қилади.

Мулк масаласини ечмай туриб бозор муносабатларига ўтиш мумкин эмаслиги Олий Кенгаш қўмиталарида бўлиб ўтган муҳокамаларда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврлари халқимиз учун оғир синов даврлари бўлади ва бир қанча қийинчиликлар туғдиради. Начораки, агар биз келажакдаги ҳаётимиз фаровон бўлишини истасак, дастлабки қийинчиликларга сабру тоқат билан қараб, белбоғни торроқ тортиб, комилу ишонч билан ақл-заковатга таяниб иш бошлашимиз керак.

Агарда биз нураб тушаётган уйимизни пойдеворидан қайта қурмоқчи эканмиз, унинг вақтинча бузилгандаги қийинчиликларига чидашга мажбурмиз.

Муаммонинг яна бир томони шундаки, агарда биз бозор муносабатларига ўтмасак ёки кечиктирсак, бошқа жумҳуриятлар ва минтақалар ўтиши муносабати билан бизнинг иқтисодий алоқаларимизда номутаносиблик янада кучаяди ва қолоқлигимиз ожизлик ва ҳалокатга олиб келади.

Депутат ўртоқлар!

Жумҳурият ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтишни халқ хўжалиги комплекси самарадорлигини оширишнинг зарур воситаси сифатида кўриб чиқар экан, бозорга ўтиш стратегияси ва тактикасининг ўз йўлини танлаб олиши керак деб билади. Бунда ўтиш давридаги биринчи асосий масала халқ турмушининг бугунги даражаси ва сифатини мумкин қадар тўла сақлаб қолиш ҳамда Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий жиҳатдан нозик табақаларининг жумҳурият ҳукумати кафолат берган давлат ҳимоясини сақлаб қолишдир.

Ўтиш давридаги иккинчи асосий масала — бу ҳукумат томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлигини ҳимоя қилиш ва келажакда уни иқтисодий ва сўнгра сиёсий мустақил жумҳурият даражасига олиб чиқиш.

Ўтиш даврининг 1,5—2 йилига чидаб, белни маҳкам боғлаб, қийинчиликларига бардош бера олсак, бозор муносабатлари асосида жумҳуриятимиз албатта ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий эркинликка эришади. Келажакда эса мустақил давлат бўлади. Қолаверса, бозорга ўтишимизнинг асосий сабаби ҳам шунда. Сиз, ҳурматли халқ депутатлари, шу олий мақсад тўғри танланган десангиз, қолганини муҳокама қилиб, лойиҳа бўлимларига тегишли ўзгартишлар киритиб қабул қилишингизга ишончим комил.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишдан олий мақсади дастлабки босқичда жумҳуриятдаги ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, нуфус ва экология вазиятини барқарор қилиб, уни тангликдан олиб чиқиш, кейинги босқичларда эса ишлаб чиқаришнинг ва энг муҳим тармоқларнинг фан-техника ва технология тараққиётини жаҳон даражасига кўтаришдир.

Бозорга босқичма-босқич ўтиш учун қуйидаги тўққизта асосий вазифани ҳал қилишимиз лозим.

Биринчидан. Аҳолини ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг давлат системасини барпо этиш. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш (янги иш жойларини барпо этиш, ишнинг сменалилигини ошириш, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ва бошқалар), камбағал оилаларга, ночорларга ижтимоий мадад бериш, агар пулнинг қадрсизланиши давом этса, унда аҳоли даромадларининг пасайишига қараб ўрнини қоплашнинг кафолатларини яратиш.

Иккинчидан, Жумҳурият фуқароларини жипслаштириш, миллий ўзлигини англаш ва руҳий маънавиятини тиклаш. Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш ҳақиқий бозорни шакллантиришнинг, асрлар давомида бозор муносабатлари шароитида яшаб ва яшнаб келган ўзбек халқининг тарихан ўзини оқлаган асосларини замонани ҳисобга олган ҳолда қайтадан тиклаш.

Учинчидан. Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар ва марказ билан ўзаро иқтисодий муносабатларини қайта қуриш. Бу эса аввалабор жумҳуриятимизнинг иқтисодий ва сиёсий эркинлигини ҳимоя қилишни, ерларимиздан, хом ашё ва бошқа ресурслардан ишлаб чиқариш кучларидан мустақил ва самарали фойдаланишни таъминлашни, янги Иттифоқ шартномаси негизида адолатли муносабатлар ўрнатишни кўзда тутади.

Тўртинчидан. Буйруқбозлик ва фармойишлар услубидан воз кечиш, ишлаб чиқаришга раҳбарликнинг иқтисодий усулларини шакллантириш зарур.

Бешинчидан. Маҳаллий жумҳурият мақомининг қоидаларига мувофиқ жумҳурият давлат ҳокимият ва бошқарувчи идоралари билан Қорақалпоғистон, вилоятлар, шаҳарлар ва районлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қайта қуриш.

Олтинчидан. Бозорни бошқариш иқтисодий системасини ташкил қилиш, яъни молия-кредит ва инвестиция қурилиш) сиёсатини, нарх белгилашни, истеъмол бозорини ташкил этишни, халқ хўжалигини моддий таъминлаш ва ишлаб чиқариш воситалари бозорини ташкил этишни талаб қилади.

Еттинчидан. Мулк муносабатларини қайта қуриш. Бунда ер, ерости бойликлари, бошқа табиат ресурсларини, қадимий обидаларни, корхоналар ва ташкилотларни чинакамига жумҳурият мулки қилиб мустаҳкамлаб қўйишимиз керак. Шу билан бирга аҳолига хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат, умумий овқатланиш соҳасидаги майда ва кичик корхоналарни давлат ихтиёридан олиш, акционерлик жамиятларини, ширкатларни, ижара корхоналарини ривожлантириш лозим.

Саккизинчидан. Хорижий мамлакатлар билан бевосита муносабатлар ўрнатиш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш. Бу жаҳон бозорига эркин чиқиш, қўшма корхоналар барпо этиш ва эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш демакдир.

Тўққизинчидан. Бозор иқтисодиётига ўтишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш. Бу эса янги Иттифоқ шартномаси тузишни, Ўзбекистон Конституциясини, янги қонунларини ишлаб чиқишни ва улар амалга оширилишини назорат қилишнинг кучли системасини яратишни назарда тутади.

Ҳурматли депутатлар! Ҳозир айтиб ўтилган тўққизта масалани амалга ошириш жуда мушкул иш. Лекин бозор иқтисодиётига ўтишнинг зарур бўлган чораларидир. Шунинг учун бозор муносабатларига ўтиш даврининг аниқ босқичларини тўғри белгилашимиз жуда катта аҳамиятга эга. Бу масалада лапашанг, «латта чайнар» бўлиб ҳаддан ташқари сусткашликка йўл қўймаслигимиз керак! Лекин бу дегани баъзи бир жумҳуриятларда, қолаверса ўзимизда ҳам учрайдиган шошма-шошарликка йўл қўймаслик зарур.

Энг муҳими шундаки, жумҳуриятимиз ўз имкониятлари ва шароитларини ҳисобга олиб, бозор муносабатларига ўтади. Бундан ташқари бозорга ўтиш даврида бир босқичнинг масалалари тўла-тўкис амалга ошгандан кейин навбатдаги босқич масалаларига ўтилади.

Бу оддий бўлган нарсага тўхтатилишим сабаблидир. Айрим ўртоқлар газеталарда эълон қилинган қоидаларни ўқиб шу ҳам бозорга ўтиш бўлдими? Бозорга ўтиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдан эмас, корхоналарни, ерларни хусусий мулкчиликка беришдан бошланиши керак дейдилар.

Ахир ўйлаб кўринг, жумҳурият 9 миллион аҳолисининг оладиган маоши 75 сўмдан кам, ногиронлар, қариялар, ёш болалар, қисқа қилиб айтганда, объектив сабабларга кўра ўзини-ўзи боқолмайдиган, жон бошига 50 сўмдан кам даромад олаётганлар сони 5 миллиондан кўп. Хўш, бозор шароитида буларнинг аҳволини ким ўйлайди? Қолаверса, корхоналарни, колхоз ва совхозларни хусусий мулк қилиб сотиб олмоқчи бўлганлар ким ўзи?

Гапнинг қисқаси, бозор муносабатларига ўтишнинг қандай тарзда бўлиши ва муддатлари Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий эркинлигидан, маҳаллий хусусиятлари ва ҳақиқий имкониятларидан келиб чиқиш керак.

Босқичларни белгилаш чоғида халқ хўжалигини чуқур структуравий қайта қуриш даврини, меҳнаткашларнинг юқори унум билан меҳнат қилиши омилларини шакллантириш ижтимоий онгдаги ўзгаришларни ўз ичига оладиган узоқ давом этувчи жараён эканлигини ҳам ҳисобга олишимиз керак.

Шу билан бирга иқтисодиётдаги вазиятнинг мураккаблигига мувофиқ фавқулодда чоралар кўриш босқичи белгиланмоқда. Бу босқич аҳолининг кам даромадли қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш системасини барпо этишга қаратилган. Бундай дастур ҳам бугунги кунда ишлаб чиқилди.

Жумҳурият минтақаларининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий шароитларини ҳисобга олиб, давлат ижтимоий муҳофаза дастури қуйидагилардан иборат:

Биринчидан. Кам маош оладиган ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ожиз ва заифроқ қатламлари учун имтиёзлар, афзалликлар, нафақалар;

Иккинчидан. Пенсия таъминоти, ўқувчиларга стипендиялар тўлаш ҳамда кам таъминланган ва кўп болали оилаларга нафақалар тўлашда давлат берадиган ижтимоий кафолатлар;

Учинчидан, Меҳнат ва яшаш шароитига боғлиқ бўлган имтиёзлар;

Тўртинчидан. Аҳолининг номинал, яъни амалдаги даромадларини сақлаб қолиш мақсадида уларни қайд этиб (индекслаб) қўйиш;

Бешинчидан. Ишдан вақтинчалик маҳрум бўлиб қолган аҳолига янги касбни ўрганиш имкониятини яратиш, шунингдек ишсизлик учун давлат нафақалари бериш.

Олтинчидан. Жумҳуриятдаги барча аҳоли учун меҳнат қилиш, дам олиш, уй-жойга эга бўлиш, бепул таълим олиш ва тиббий хизматдан баҳраманд бўлиш ҳуқуқларига кафолат бериш.

Давлатнинг бевосита ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган аҳолининг тўртта асосий гуруҳи белгиланган:

— буларнинг аксарият кўпчилиги — бутун аҳолининг қарийб 40 фоизини ташкил этадиган ва 16 ёшгача бўлган болалардир;

— сон ва аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган гуруҳга ишламайдиган пенсионерлар ва ногиронлар (2 миллион кишидан кўпроқ), шунингдек катта ёшдаги қаровга муҳтож қарийб 100 минг киши киради;

— учинчи гуруҳ бу ҳаётининг асосий мақсади соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш бўлган 430 минг кўп болали оналардир;

— тўртинчи гуруҳга кундузи ўқиётган олий ўқув, техникум ва ҳунар-билим юртларининг қарийб 500 минг ўқувчиси киради.

Аҳолининг ана шу тўрт гуруҳига нисбатан юритиладиган сиёсат бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий муҳофаза дастурининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Бундан ташқари ижтимоий ҳимоя дастурида минимал истеъмол бюджетини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу дегани тирикчилик учун зарур бўлган маблағларнинг энг кам чегараси бўлиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, тиббий хизмат, таълим ва маънавий соҳадаги биринчи навбатдаги эҳтиёжларни қондиришга кафолат бўлади.

Мазкур дастурни амалга ошириш учун маҳаллий даражада махсус идоралар тузилади.

Бу соҳада амалий тадбирлар ҳозирданоқ кўрилмоқда. Лекин бу ишнинг бошланиши, холос. Бозор муносабатлари жорий этилишида қабул қилинаётган дастурлар, уларда илгари сурилаётган ғоялар қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Бу ерга келган ҳар бир депутат кўп сонли жамоанинг ишончли вакили. Шундай экан, амалий ишларга ҳаммамиз бош қўшганимиздагина маълум бир натижага эришишимиз мумкин.

Энди иш билан таъмин этиш хусусида тўхталиб ўтсам. Ўзбекистонда аҳоли ва меҳнат ресурслари ўсишининг юқори суръатлари келгуси йилларда ҳам сақланиб қолади, шунинг учун ҳам иш билан банд бўлмаганларни ва меҳнат қилишга қодир кишиларни иш жойлари билан таъминлаш учун тадбирлар ҳозирги вақтдан амалга оширилади.

Иш билан бандлик сиёсатини шакллантиришда ва меҳнат ресурсларини жалб этиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишда жумҳуриятнинг тармоқ ва ҳудудий, ижтимоий ва демографик хусусиятлари биргаликда қўшиб олиб борилади.

Аҳолининг нотекис жойлашганлиги, меҳнат ресурслари ва иш ўринларининг тармоқ ва ҳудуд бўйича нотекислиги ва яна бир қанча муаммолар бугун ўз ечимини кутяпти. Бундай муаммолар эса иш билан таъминлашни кескинлаштиради. Шу муносабат билан иш билан таъминлаш бўйича жумҳурият дастури ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда иш жойларини, кордонликни, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, фермер ва деҳқон хўжаликларини, кооперативларни, чоғроқ ишлаб чиқаришларни, миллий ҳунармандчиликни ва анъанавий касб-корни жадал ривожлантириш, маҳаллий миллатга мансуб ёшлардан янги кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системасини такомиллаштириш, аҳоли қалин жойлашган ерлардан ишчи кучлари тақчил бўлиб турган ноҳияларга оилаларни ёки айрим фуқароларнинг ўз хоҳиши билан кўчиши турли имтиёзлар ва енгилликлар бериш йўли билан меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашни фаоллаштириш юзасидан бир-бири билан боғланган тадбирлар комплекси кўзда тутилган.

Биз ҳар соҳада ўзимизнинг маҳаллий кадрларимизга эга бўлишимиз керак. Кўп йиллар давомида ўзимиздан мутахассислар тайёрлаш ўрнига четдан кадрлар келтириш сиёсати олиб борилди. Энди бунга чек қўйилади. Шундай экан, биз эртанги кунимизни ўйлашимиз, ёшларнинг касб эгаллашига алоҳида эътибор беришимиз зарур. Шу мақсадда мамлакат ва жаҳондаги энг яхши ўқув марказларига маҳаллий ёшларни тажриба орттиришга юбориш кенгайтирилади.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг самарали шаклларини ва идораларни жорий этишни жадаллаштириш, унумли меҳнат учун рағбатлантиришни юқори даражага кўтариш назарда тутилмоқда. Мазкур дастурни амалга оширишда ишсизларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш тадбирлари ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Энди, уй-жой ислоҳоти тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Уй-жой фондининг асосий қисми қишлоқ жойлардадир (70 фоизга яқин), жами уй-жойнинг учдан икки қисми фуқароларнинг шахсий мулкидир, қолгани эса давлатнинг ва уй-жой қуриш кооперативларининг фонди. Бу ҳол Ўзбекистонда уй-жой ислоҳоти ўтказишнинг айрим хусусиятларини белгилаб беради. Имкониятларга қараб бундан кейин ҳам уй қуриш ва томорқа учун ерлар ажратиш кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш меҳнатга ҳақ тўлаш системасини тубдан қайта қуриш заруратини тақозо этади. Янги шароитларда меҳнатга ҳақ тўлаш аҳоли ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этилганлиги бутун системасининг бош омили бўлади ва меҳнат натижаларидан манфаатдорлик ортишини рағбатлантиради.

Бозорга ўтиш шароитида иқтисодиётнинг бозорга алоқаси бўлмаган сектори, яъни соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, санъат, фундаментал фанлар, табиатни муҳофаза қилишни давлат томонидан тартибга солиб туриш лозим. Шу муносабат билан жумҳуриятда ижтимоий соҳа тармоқлари суст ривожланганини ҳисобга олиб, бу соҳани барча манбалар эвазига, яъни давлат бюджети, корхоналар ва ташкилотлар, ижтимоий ва хайрия жамғармалари, шунингдек айрим корхона ва ташкилотлар ишини тижорат асосига ўтказиб, маблағ билан таъминланади.

Жумҳурият ҳукумати табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини маблағ билан таъминлаш, аниқ мақсадни мўлжаллаган экология дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун маблағлар ажратишни ўз зиммасига олади, у атроф-муҳитни булғаётган корхоналарга нисбатан қаттиққўллик билан сиёсат юритади, табиатни муҳофаза этиш тадбирларини кўраётган корхоналар ва ташкилотлар ҳар жиҳатдан рағбатлантирилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида истеъмол бозорини тартибга солиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат бозор фондларининг ярми мамлакатнинг бошқа минтақаларидан ва импорт йўли билан таъминланмоқда. Ўзбекистонга олиб келинаётган ва ташиб кетилаётган ресурсларни ҳисобга олганда, буларнинг камомади 35 фоизни ташкил этади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, жумҳурият аҳолисининг қондирилмаётган талаби 8—9 миллиард сўмни ташкил этади ва у ҳар йили 600—800 миллион сўмга ўсмоқда. 1990 йилнинг охиригача бу миқдор бир миллиард сўмга ортиши мумкин.

Ўтиш даврининг қисқа муддатларида товарлар ишлаб чиқариш ва маиший хизматларни анъанавий усуллар билан анча кўпайтиришнинг иложи йўқ. Шу боисдан ҳам биринчи босқичда таклиф этилаётган товарларни барқарор этиш ва бозор инфраструктурасини (омилларини) яратишга қаратилган шошилинч тадбирлар кўрилади.

1990 йилнинг охиригача халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқараётган корхоналарни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш учун бир қанча тадбирларни жорий этиш кўзда тутилмоқда. Масалан, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган мазкур соҳага ихтисослашмаган корхоналарни 1991—1992 йилларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш эвазига олинган фойдадан солиқ тўлашдан озод қилиш; халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқараётган ва аҳолига хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг иш ҳақи фондига солиқ солишдан озод этиш, уларга имтиёзли қарз беришни белгилаб қўйиш ва ҳоказолар.

Яқин келажакда товар биржаларини бунёд этиш учун ҳозирдан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жумҳуриятлараро алоқаларни амалга ошириш учун мева-сабзавот, тўқимачилик ва пахтачилик биржаларини ташкил этиш, шунингдек вилоятлараро алоқаларни ошириш учун универсал биржаларни ташкил этиш талаб қилинади. Шу мақсадда биржалар тўғрисидаги низомни ишлаб чиқишга киришилади. Уларнинг ишлаш шартлари белгиланади, кадрлар тайёрланади.

Бозорда эркин нарх белгилашни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан моллар ва хизматларнинг истеъмол бозорини мувозанатлаштириш назарда тутилмоқда. Шу мақсадда бир-бири билан чамбарчас боғланган тадбирлар комплексини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Доимий ишлаб турадиган ярмаркалар ва товар биржалари тарзида воситачи савдо ташкилотларининг тузилиши жумҳуриятимиз учун катта аҳамиятга эга. Барча саноат корхоналари мазкур ташкилотларнинг таъсис этувчилари бўлишлари керак. Мол биржалари жумҳуриятдаги, шунингдек бошқа иттифоқдош жумҳуриятлардаги саноат корхоналари ва савдо ташкилотлари билан алоқа ўрнатадилар. Шу усуллар билан истеъмол бозорини нормаллаштириш, уни моллар билан тўлдириш аста-секин йўлга қўйилишига ишончимиз комил.

Ҳурматли халқ депутатлари. Сизлар Ер тўғрисида Қонун қабул қилгансиз. Бу Қонун ердан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, хўжалик юритиш шаклларини тараққий эттириш, табиий муҳитни сақлаш учун шароит яратишни мақсад қилиб қўйган.

Ерга мулкчилик тўғрисидаги масалани ҳал қилишга ёндашувлар нафақат жумҳуриятдаги ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва тарихий-миллий анъаналар билан, балки суғориладиган ерда деҳқончилик қилишнинг хусусиятлари, хўжалик юритишнинг ҳали имкониятлари тугамаган илғор жамоа шакллари билан ҳам белгиланади. Шунга мувофиқ ер Ўзбекистоннинг давлат мулки бўлиб қолиши керак ҳамда у жамоат ва давлат хўжаликлари, совхозлар, бошқа давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига ҳамда фуқароларга қишлоқ ва ўрмон хўжалигини юритиш, шахсий ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш учун доимий ёки вақтинча эгалик қилишга ва фойдаланишга берилади. Бунда қишлоқда товар ишлаб чиқарувчилар учун экин-тикинга, дов-дарахтга, чорвага, етиштирилган маҳсулот ва уни сотишдан олинган даромадга кафолат берилади.

Ўзингизга маълум, қишлоқ хўжалиги хом ашё ишлаб чиқаришга жуда чуқур ихтисослашгани учун энг оғир танг аҳволга тушганлар — бу жумҳуриятнинг 12 миллион қишлоқ аҳолиси бўлади. Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисининг сони йилига 500 мингга кўпайиб боради. Уларнинг тирикчилиги ер билан боғлиқ. Шундай экан, агар ерларнинг янги шаҳарлар, завод-фабрикалар қурилишига ажратилишини ҳисобга олсак, йилдан-йилга қишлоқларда тирикчилик учун ишлатиладиган ерлар аҳоли сонини ҳисобга олганда борган сари камайиб боради.

Шунинг учун 1995 йилга қадар камида 150 минг гектар янги ерларни ўзлаштиришимиз лозим. Бу дегани камида бир миллион қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга имкон беради.

Янги ерлар ўзлаштириш аввалимбор сувга боғлиқ. «Сув — бу ҳаёт» деб бежиз айтилмаган. Шуни ҳисобга олиб, сув Ўзбекистоннинг давлат мулки бўлиб қолади.

Сув ресурсларидан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш ҳисобига, бунинг учун эса янги замонавий технологиялар ишлатиб, ерларни қайтадан реконструкция қилиш ва қўшимча янги ерларни ўзлаштиришга давлат марказлаштирилган капитал маблағлар ажратиш билан ўз кафолатини беради.

Шу билан бирга агросаноат комплекси хўжаликлари ва корхоналарининг зарарга ботмасдан ишлаши масалалари биринчи даражали аҳамият касб этади. Шу йил зарарга ботган 168 корхонанинг 44 таси ижарага берилади, 12 таси тугатилади. Қолганларини мавжуд имкониятлар ҳисобидан фойда олиб ишлайдиган хўжаликлар қаторига чиқариш керак.

Жумҳуриятда шахсий ёрдамчи хўжаликларни янада ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилинди. Шу мақсад учун жамоат секторидан 165 минг гектар суғориладиган ер ажратилди, бу томорқа ерларининг умумий майдонини 400 минг гектарга етказишга имкон беради, аҳолига бузоқ ва парранда, давлат ресурсларидан омихта ем сотиш кенгайди. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенгайтириш яна давом эттирилади.

Қишлоқ хўжалигининг вужудга келган структураси, Ўзбекистон давлат ва жамоа хўжаликларининг асосан пахта ишлаб чиқаришга ихтисослашуви шароитида жумҳурият ўзини-ўзи ишлаб чиқариш ҳисобидан озиқ-овқат билан, айниқса нон, қанд, гўшт, сут маҳсулотлари билан тўла таъминлаш имкониятига эга эмас.

Шу шароитларда жумҳурият агросаноат комплексига, Савдо вазирлигига, Ўзбекбирлашувга, шунингдек янги ташкил топган «Узглавлегснабсбит» ҳамда Ташқи савдо ва чет эллар билан алоқалар комитетига кирувчи ташкилотлар озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва сотиш масалаларида ўзаро манфаатли шерикларни топиш бўйича ишларни кенг авж олдиришлари керак.

Депутат ўртоқлар!

Бозор шароити иқтисодиётнинг тегишли ёрдамчи соҳаларини барпо этишни, амалдаги ташкилий тузилмаларни қайта қуришни тақозо этади.

Бозорни бошқарадиган ташкилотларни — товар ва фонд биржаларини, ишга жойлаштириш хизмати ва савдо уйларини барпо этишга алоҳида аҳамият берилади, чунки айни шу идоралар бозорни бошқаришнинг иқтисодий усулларини амалга оширадилар. Жумҳуриятнинг асосий тармоқлари ва халқ хўжалиги комплексини бошқаришнинг ташкилий структурасини қайта тузиш юзасидан янги дастур қабул қилиш тақозо этилади.

Бозор муносабатларига ўтиш бошқарувнинг жумҳурият ва территориал органларининг ҳуқуқ ва вазифаларини жиддий ўзгартиради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистоннинг территориал минтақаларга доир сиёсати қуйидаги принципларга асосланиши керак:

— жумҳурият барча регионлари (минтақалари) аҳолисининг ижтимоий ҳимояланиши ва фаровонлиги ўсишини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги территориал фарқларни тугатиш;

— халқ хўжалигининг, вилоятлар, Қорақалпоғистон МССЖ ва шаҳарларнинг ўзини ўзи бошқаришини кенгайтириш.

Территориал ривожланишни бошқариш марказлаштирилган бошқарув ва маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бирга қўшилишига асосланиш зарур. Гап шундаки, ўтиш даврининг ўзига хослиги бир қатор функцияларнинг аста-секин маҳаллий Советларга берилиши билан бирга жумҳурият давлат ҳокимиятининг сақланиб қолишини тақозо этади. Маҳаллий Советлар тегишли минтақанинг комплекс ривожланишини, маҳаллий бюджетларнинг мустақил шаклланиши ва ундан фойдаланишни, маҳаллий хўжалик ривожланишини, минтақалар бозорининг шаклланиши ва бошқариб борилишини, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни таъминлайдилар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг бошланғич даражасида халқнинг ижодий ишлаб чиқариш фаоллигини уйғотишда, майда корчалонлик, касбкорлик, ҳунармандчиликни ривожлантиришда аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш системасини ташкил этишда, ер участкалари ажратиш ва бошқаларда тегишли қишлоқ ва посёлка Советларининг ролини жиддий ошириш назарда тутилмоқда.

Қорақалпоғистон ва вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлатиш мақсадида давлат бюджети ажратмаларидан ҳосил бўладиган регионал ривожланиш фондини ташкил этиш мўлжалланган. Бу фонднинг маблағларидан жумҳуриятнинг иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган регионларида соҳибкорликни рағбатлантириш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммоларини ҳал этишда фойдаланиш мумкин.

Депутат ўртоқлар! Лойиҳада халқаро меҳнат тақсимотида чет давлатлар билан бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилган.

Жумҳурият экспортининг асосан хом ашё йўналишида эканлигини ҳисобга олиб, иқтисодиётни Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини келгусида жаҳондаги ўртача турмуш даражасига етказиш учун зарур чора-тадбирларни белгилаш лозим. Бунда чет элдан олинадиган тушумларни енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат, машинасозлик, химия, рангли металлургия ва саноат моллари экспорти базаси учун замин яратишга сарфлаш керак.

Туризмни ривожлантириш, эркин омилкорлик зоналарини барпо этиш, четга хом ашё сотишдан тайёр маҳсулот сотишга ўтиш бугунги бирламчи вазифаларимиздандир.

Ташқи иқтисодий фаолиятда жумҳуриятнинг стратегик мақсадларини валютани режалаштиришнинг ҳозирги воситаларини ўзгартирмай амалга ошириб бўлмайди.

Жумҳурият учун валюта тушумларининг алоҳида аҳамиятини назарда тутиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ҳисобга олиш, уларни чет элга чиқариш мақсадга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш, бу молларни ички ва ташқи бозорларда сотиш масалалари таҳлил қилиб борилиши керак. Ҳозирги вақтда халқаро шартномаларга мувофиқ чет элга юборилаётган маҳсулотлар жумҳурият ҳукумати розилиги олинганидан кейингина ортиб жўнатилади.

Ўтиш даврининг энг муҳим вазифаси — давлат бюджети камомадига барҳам беришдир. Шу мақсадда жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг барча моддалари тафтиш қилинади ва қайтадан кўриб чиқилади. Сессиянинг кун тартибида бу масала ҳам бор. Шунинг учун бу ҳақда тўхталмасликка рухсат этгайсизлар.

Ўртоқлар!

Ҳаммани безовта қилаётган масала — бу нарх-наво сиёсати. Эркин чакана нархларни қўллаш умуман нарх-наво системасини ислоҳ қилишнинг умумий концепцияси билан биргаликда кўриб чиқилади. Бозор муносабатларига аста-секин ўтиш жараёнида халқ итеъмоли молларининг қатъий давлат нархлари билан бир қаторда жумҳурият ҳукумати тартибга солиб турадиган нархлар ва эркин нархлар ҳам

(Давоми 3-бетда).

# ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(ССЖИ Олий Кенгаши 1990 йил 19 октябрида маъқуллаган)

Совет халқи қийинчилик билан қарорга келган ва маъқуллаган қайта қуриш йўли жамиятни янгилашнинг қудратли кучларини рўёбга чиқарди. Қайта қуриш йўлининг амалга оширилиши мамлакатни карахтлик ва турғунликдан олиб чиқди. Халқаро ҳамкорликда туб силжишларга эришилди, қуролсизланиш бошланди. Мамлакат ичкарисидаги сиёсий ислоҳотлар туфайли кенг демократиялаш ва ошкоралик жараёни жадал бормоқда, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари кенгайтирилиб, халқлар суверенитети мустаҳкамланди. Буларнинг ҳаммаси бутун жамиятимизни ва энг аввало, унинг иқтисодиётини юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиради.

Шу билан бирга маъмурий-буйруқбозлик системасининг оғир мероси, иқтисодий ислоҳотга оид амалга оширилаётган тадбирларнинг хўжаликка раҳбарлик қилишдаги хатоларгача ярим-ёртилиги ва изчил эмаслиги, қонунларга нисбатан ҳурматсизлик мамлакатда чуқур иқтисодий тангликни вужудга келтирди.

Халқ хўжалигидаги аҳвол мушкуллашиб бораяпти. Ишлаб чиқариш ҳажми камайиб, хўжалик алоқаларига путур етмоқда. Айирмачилик кучаймоқда. Истеъмол бозори бўм-бўш бўлиб қолди. Бюджет камомади ва давлатнинг тўлов қобилияти танг даражага келиб қолди. Социализмга зид ҳолатлар ва жиноятчилик кўпаймоқда. Одамларнинг турмуши тобора қийинлашиб, уларнинг меҳнат қилишга қизиқиши пасаймоқда, келажакка ишонч йўқолмоқда. Иқтисодиёт ғоят хатарли даражада турибди — эски маъмурий-бошқарув системаси барбод этилган, бозор шароитида ишлашнинг янги омиллари эса ҳали вужудга келтирилмаган. Аҳволни барқарорлаштириш ва бозор хўжалиги томон жадал олға бориш учун ижтимоий иноқликка асосланган қатъий чора-тадбирлар зарур.

## 1. ЙЎЛ ТАНЛАНДИ

Бозорга ўтишдан бошқа йўл йўқ. Бутун жаҳон тажрибаси бозор иқтисодиётининг ҳаётийлигини ва самарадорлигини исботлади. Жамиятимизда бозорга ўтишни бутунлай инсон манфаатлари тақозо этмоқда ва ундан мақсад — ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни вужудга келтиришдан, барча ишлаб чиқаришни истеъмолчи эҳтиёжларига қаратишдан, тақчиллик ва шармандали навбатда туришларни бартараф этишдан, амалда фуқароларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлашдан, меҳнатсеварлик, ижодкорлик ва ташаббусни, юксак унумдорликни рағбатлантириш учун шарт-шароит яратишдан иборат.

Бозорга ўтиш халқимиз танлаган социалистик йўлга зид эмас. Фақат бозоргина бутун жамиятнинг инсонпарварлик йўналиши билан узвий боғланганда одамлар эҳтиёжи қондирилишини, неъматлар адолатли тақсимланишини, ижтимоий ҳуқуқлар ва фуқаролар кафолатларини, эркинлик ва демократия мустаҳкамланишини таъминлашга қодирдир.

Бозорга хос бўлган ўзини ўзи бошқариб туриш воситалари барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар фаолияти энг яхши тарзда мувофиқлаштирилган ҳолда иқтисодиётнинг мутаносиблигини, меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлайди. Бозор ишлаб чиқаришнинг мослашувчан ва фан-техника тараққиёти ютуқларига мойил бўлишини тақозо этади.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий системага ўтиш иқтисодиётимизни жаҳон хўжалиги билан узвий боғлашга, фуқароларимизнинг жаҳон маърифатининг барча ютуқларидан баҳраманд бўлишларини таъминлашга имкон беради.

Амалга ошириш талаб этилаётган қийин, аммо мамлакат тақдири учун зарур бўлган бурилишнинг моҳияти шундан иборатки, маъмурий-буйруқбозлик системаси юзага келтирган давлат васийлиги, тайёрга айёрлик ва текисчилик, лоқайдлик ва хўжасизлик ўрнини хўжалик фаолиятининг эркинлиги ҳамда меҳнат жамоаларининг ва ҳар бир фуқаронинг ўз фаровонлиги, қизғин ва яхши ташкил этилган меҳнати учун масъуллиги, меҳнат натижаларига кўра тақдирланиши эгаллаши лозим.

Умумиттифоқ бозори орқали мамлакатнинг барча жумҳуриятлари ва минтақаларини бирлаштирувчи ягона иқтисодий майдон ташкил этилади: Шу боисдан бозорга ўтиш мустақил жумҳуриятларни янгиланган Федератив ва кучли Иттифоқ доирасида эркин бирлаштириш учун иқтисодий негизни вужудга келтириш имконини беради.

Бозор иқтисодиётининг самарали ишлаши учун ўтиш даври давомида вужудга келтирилиши лозим бўлган қуйидаги асосий шарт-шароитлар зарур:

— хўжалик фаолиятининг энг кўп даражадаги эркинлиги. Иқтисодиётнинг асоси —ўз мулкини ва шу билан миллий бойликни кўпайтирувчи эркин товар ишлаб чиқарувчилардир. Энг фаол, малакали ва истеъдодли кишилар — ишчилар, деҳқонлар, инженерлар, корхона эгалари ва ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг муҳим ижтимоий аҳамиятини эътироф этиш ва уни бутун чоралар билан рағбатлантириш;

— мулкчиликнинг барча турлари тенг ҳуқуқлилигига таянадиган иқтисодий фаолият натижалари учун хўжалик ташкилотлари, корхона эгалари, барча ходимларнинг тўла масъуллиги. Мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишнинг моҳияти шундан иборатки, хўжалик юритиш натижалари учун ким мулкий жиҳатдан жавобгарлигини аниқ белгилаш, иқтисодиётни ривожлантириш давомида мулкчилик шаклларидан ҳар бири учун энг самаралилигини қўлланиш;

— хўжалик фаоллигини рағбатлантиришнинг энг муҳим омили сифатида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларига кўра маҳсулот хилларини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш, харажатларни камайтириш ва нархларни барқарорлаштириш, соғлом рақобатни ривожлантириш ишлаб чиқаришнинг тегишли структурасини шакллантиришда иқтисодиётни монополиядан холи қилишни талаб этади;

— эркин нарх белгилаш. Нархларнинг катта қисми бозорда эҳтиёж ва таклиф мувофиқлаштирилган ҳолда эркин белгиланган тақдирдагина бозор воситалари самарали амал қилиши мумкин. Нархлар устидан давлат назоратига фақат чекланган соҳадагина йўл қўйиш мумкин;

— давлатнинг хўжалик фаолиятида (айрим махсус соҳалар бундан мустасно) бевосита иштирок этишдан воз кечиши;

— бозор муносабатлари бошқарувнинг маъмурий шаклларига нисбатан бирмунча юксак самарадорликни исботлаган соҳаларга шундай муносабатларни жорий этиш. Шу билан бирга иқтисодиётда фаолиятнинг фақат тижорат мезонларига бўйсуниши мумкин бўлмаган турларини (мудофаа, соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан, маданият) ўз ичига олувчи бозордан ташқари катта сектор сақланиб қолади;

— иқтисодиётнинг очиқлиги, унинг изчил равишда жаҳон хўжалик алоқалари системасига бирлашиши. Ҳар қандай хўжалик ташкилотлари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир. Хорижий фирмалар барча маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда баб-баравар шароитда белгиланган қонунларга ва ҳамма эътироф этган халқаро нормаларга мувофиқ ички бозорда иш кўради;

— барча даражалардаги давлат ҳокимияти томонидан фуқароларга ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши. Бундай кафолатлар бир томондан, барча фуқаролар ўз меҳнати ва жамғармалари билан ўзларига муносиб турмушни таъминлашлари учун уларга баравар имкониятлар бериш деб, бошқа томондан эса, жамиятнинг меҳнатга яроқсиз ва ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган аъзоларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш деб тушунилмоқда.

Бироқ бозор ишлаб чиқаришнинг юксак иқтисодий самарадорлигини таъминлар экан, аввало пулнинг қадрсизланиши, ишсизлик, мулкий жиҳатдан ҳаддан ташқари фарқланиш, ишлаб чиқаришнинг беқарорлиги, айрим минтақалар ривожидаги нотекислик сингари салбий ҳолатларга барҳам бериш нуқтаи назаридан давлат ва ижтимоий бошқарувга муҳтож бўлади.

Давлат кенг кўламдаги иқтисодий сиёсатни амалга ошира бориб, биринчи галда жамоат манфаатларига мос келадиган йўналишларда хўжалик фаолияти учун қулай муҳитни вужудга келтиришга кўмаклашади. Бунда давлат идораларининг иқтисодиётни бошқариш соҳасидаги фаолияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини қатъиян фарқлашга асосланади.

Мамлакат тақдири учун тарихий аҳамиятга молик бўлган бозорга ўтиш йўли танланди. Энди бутун масала унга қандай бориш, энг ишончли ва тўғри йўлларни қай тарзда танлашдан иборат. Инқирознинг кескинлиги сусткашлик қилмай иш кўришга мажбур этади. Бемулоҳаза ва таваккалчилик эмас, балки мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олишга ва халқимизга бўлган ишончга асосланган қатъият ва жасорат зарур.

Ушбу Асосий йўналишлар М. С. Горбачев билан Б. Н. Ельциннинг ишчи гуруҳи ва ҳукумат ишлаб чиққан дастурлар асосида ССЖИ Олий Кенгаши ва жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг сессияларида билдирилган таклифларни ҳисобга олиб тайёрланди. Шу билан бирга, мамлакатдаги ўзгарган иқтисодий вазият назарда тутилди.

Гап шундаки, мамлакат халқ хўжалигида иқтисодиётни молиявий жиҳатдан соғломлаштириш юзасидан дастлабки тадбирлар амалга оширилмай туриб, харид (ҳозирча дон ва гўштнинг) ва чакана нархлар (1991 йилги шартномаларни тузишда), шунингдек бир қанча жумҳуриятлар ва минтақаларда молларнинг айрим гуруҳлари нархларининг оширилиши жараёни бошланди. Бу билан пулнинг қадрсизланишига туртки берилди, бу чакана нархларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Мана шундай шароитда пулнинг қадрсизланишини, биринчи галда, чакана нархлар борасидаги пул қадрсизланишини тўхтатиб туриш зарур.

Ана шу ғоят қисқа муддат ичида пул-молия системасини соғломлаштиришга оид тадбирларни амалга ошириш ва ана шу негизда бозор нархларига ўтиш керак.

Ушбу Асосий йўналишлар халқ хўжалигини ва бозор иқтисодиётига ўтишни барқарорлаштириш юзасидан барча жумҳуриятлар ва Иттифоқ идораларининг мувофиқлаштирилган ҳаракатларининг негизи бўлиши керак. Бунда ҳар бир мустақил жумҳурият ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг, миллий ва тарихий хусусиятларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб, бозорга ўтишга доир аниқ тадбирлар туркумини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятига эгадир.

## 2. МУСТАҚИЛ ЖУМҲУРИЯТЛАР ИТТИФОҚИДА ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

Мустақил жумҳуриятлар ўртасида ўзаро иқтисодий муносабатлар жумҳуриятларнинг давлат мустақиллиги ва тенглиги эътироф этилишига, шу билан бирга иқтисодиётнинг асоси — корхона эканини тушунган ҳолда Иттифоқнинг Федерация сифатидаги яхлитлигига асосланади ва давлатнинг вазифаси унинг фаолияти учун энг қулай шарт-шароит яратишдан иборатдир.

Жумҳуриятлар ўз ҳудудларидаги барча миллий бойликка эгаликни, ундан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни қонун йўли билан тартибга соладилар. Ана шу миллий бойлик жумҳуриятлар давлат мустақиллигининг моддий негизини ташкил этади.

Мустақил жумҳуриятларнинг умумий вазифаларини ҳал этиш учун барча жумҳуриятларнинг қўшма мулки (Иттифоқ мулки) ташкил этилиб, уни иттифоқ идоралари бошқаради. Мазкур идоралар монополияга қарши қонунлар, ноҳалол рақобатга қарши кураш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, жумҳуриятларнинг бозор муносабатларига ўтишдаги дастлабки шароитларини бошқариб туриш ва бараварлаштиришга оид келишиб олинган тадбирлар асосида иқтисодий режимнинг бир хил белгиланишини таъминлайдилар.

Жумҳуриятлар ўз ҳудудларини ривожлантириш учун асосий масъулиятни зиммаларига оладилар ва иқтисодий сиёсатни амалга оширадилар, мустақил равишда халқ хўжалиги бошқарувининг тузулмаларини, жумҳурият ва маҳаллий солиқлар, тушумлар ва мажбурий тўловлар системасини шакллантирадилар, нарх-навони бошқариш, даромад, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этадилар.

ССЖИ иқтисодиётида мустақил жумҳуриятларнинг, барча миллий тузулмаларнинг аҳамияти анча ортади.

Мустақил жумҳуриятлар ўзаро манфаатларни кўзлаб ва ихтиёрийлик асосида Иттифоқ таркибига кирадилар ва ягона иқтисодий майдонни, умумиттифоқ бозорини вужудга келтирадилар, эркин кордонлик фаолиятини, ўзаро фойдали хўжалик алоқаларини қўллаб-қувватлаш, бозорни ҳимоя қилиш борасида баҳамжиҳат сиёсат юритадилар.

Иттифоқ аъзолари бўлган жумҳуриятлар умумий иқтисодий сиёсат асосларини биргаликда ишлаб чиқадилар. Бу ҳол ССЖ Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар қонунларида мустаҳкамлаб қўйилади. Келишиб олинган ҳолда сиёсат ўтказиш талаб этиладиган фаолият соҳаларида биргаликдаги бошқарув учун улар Иттифоқ бошқарув идораларини тузадилар.

Ягона умумиттифоқ бозорини вужудга келтириш учун жумҳуриятлар иттифоқ бошқарув идораларига қуйидаги ваколатларни берадилар:

Иттифоқ ҳудудида тўловларнинг ягона қонуний воситаси сифатида сўмнинг харид қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган келишиб олинган кредит-пул ва валюта сиёсатини амалга ошириш. Иттифоқ ичкарисида пул ресурслари муомаласи чекланишига йўл қўймаслик;

умумиттифоқ миқёсида хом ашё, маҳсулотлар, моллар ва хизматларнинг асосий хиллари нархини бошқариб туриш, уларнинг доираси барча мустақил жумҳуриятлар билан келишиб олинади;

умумиттифоқ бозорини ҳимоя қилишни таъминлайдиган ягона бож қонунини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш. Молларнинг келишиб олинган рўйхат бўйича Иттифоқ ичкарисида ҳаракат қилишида чеклаш нормаларидан ёки божхона тўсиқларидан фойдаланишга йўл қўймаслик;

ташқи иқтисодий сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш. Умумиттифоқ валюта жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш, ССЖ Иттифоқининг халқаро ҳамжамият олдидаги мажбуриятларини бажариш;

умумиттифоқ бозори амал қилишини таъминлайдиган қонун асосларини қабул этиш;

патент, метрология ва метеорология ягона хизматини ташкил этиш, умумиттифоқ стандартларини белгилаш ва халқаро стандартларни жорий этиш, умумиттифоқ статистикаси ва бухгалтерлик ҳисобининг ягона системасини ташкил этиш.

Бундан ташқари Иттифоқ бошқарув идоралари жумҳуриятларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришнинг умумий манфаатлари йўлида қуйидаги ишларни амалга оширадилар:

мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг истиқболдаги тахминий режаларини ишлаб чиқиш, умумиттифоқ аҳамиятига молик катта халқ хўжалиги дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш;

соғлиқни муҳофаза қилиш ва аҳолининг экология хавфсизлигини таъминлаш юзасидан умумиттифоқ аҳамиятига молик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Иттифоқ мудофаа қобилиятини қўллаб-қувватлаш, давлат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши кураш учун иқтисодий шарт-шароит яратиш.

Умумиттифоқ миқёсида ўз хусусиятига кўра Иттифоқ бўйича ягона раҳбарликни амалга оширишни тақозо этадиган фаолият ва тармоқ дастурлари соҳаларининг бошқаруви шакллантирилади, хусусан:

энг муҳим таг-заминли тадқиқотлар ҳамда илмий-техникавий ишланмалар;

мудофаа дастурлари;

ягона ёқилғи-энергетика системаси;

темир йўл, денгиз, авиация магистрал транспорти ва қувур транспорти;

атом энергетикаси;

космик системалар ва тадқиқотлар;

алоқа, ахборот ва информатика умумиттифоқ системаси;

фавқулодда ҳолатларда (бунга экологик фалокатлар ҳам киради), уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилишнинг давлат умумиттифоқ системаси;

умумиттифоқ аҳамиятига молик ижтимоий дастурлар назарда тутилади.

Бунда иттифоқ бошқарув идораларига бериладиган ваколатлар мустақил жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин эмас. Мустақил жумҳуриятлар ўз навбатида қабул қилинган мажбуриятлар бузилганлиги учун иқтисодий жиҳатдан жавобгардирлар.

Иттифоқ бюджети иттифоқ (федерал) солиқлар ҳисобидан ташкил топади; солиқлар миқдори ва солиқ солинадиган объектлар жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда белгиланади. Иттифоқ бюджетининг даромадлари Иттифоқ ўз ваколат вазифаларини бажаришидан олинган бошқа тушумлардан ҳам ташкил бўлади. Бу Иттифоққа тушадиган даромадларга асосланиб, ўз харажатларини режалаштириш ҳамда ўз молиявий сиёсати учун жавобгар бўлиш имконини беради.

Иттифоқ бюджетида умумиттифоқ ҳуқуқ доирасига киритилган йўналишлар бўйича қилинадиган харажатлар билан бир қаторда минтақаларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилади, шунингдек ССЖИнинг ички ва ташқи давлат қарзини узишга маблағ ажратиш ва резерв жамғарма тузиш назарда тутилади.

Мустақил жумҳуриятлар ўзаро келишувга мувофиқ икки томонлама ва кўп томонлама асосда бошқа иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва экология дастурларини ҳам пул билан таъминлашлари мумкин.

Иттифоқ ташқи иқтисодий фаолиятини маблағ билан таъминлаш мақсадида унга бериладиган ваколатлар доирасида ССЖИ ташқи давлат қарзини узиш, келишиб олинган тарзда умумиттифоқ валюта сиёсатини ўтказиш ва умумиттифоқ ҳуқуқ доирасига киритилган йўналишларни зарур даражада қўллаб-қувватлаш, шунингдек иттифоқ миқёсида валюта резервларини ташкил этиш учун етарли миқдорда валюта жамғармаси вужудга келтирилади.

Федерация кенгаши ҳузурида барча жумҳуриятлар амалга ошираётган тадбирларни мувофиқлаштириш учун Жумҳуриятлараро иқтисодий қўмита тузилади.

## 3. ИҚТИСОДИЁТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ҲАМДА БОЗОР ХЎЖАЛИГИГА ЎТИШ МАНТИҚИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Ислоҳотлар амалга оширила бошлаган дастлабки пайтданоқ халқ хўжалигида вужудга келган хўжалик алоқалари ҳамда моддий оқимларни қўллаб-қувватлаган ҳолда молия, кредит ва пул системасини соғломлаштиришга асосий эътиборни қаратиш керак. Бунда нарх-навонинг ўсиши, табиий равишда авж олиб бораётган пулнинг қадрсизланиши тўхтатиб турилади. Кейинчалик шу асосда юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий шароитни ҳисобга олиб, бозор нархларига кенг кўламда ўтиш назарда тутилади.

Ушбу тадбирлар истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда омиллар жорий этиш билан, бу молларни чет элдан келтириш кенгайиб бориши билан уйғунлашган ҳолда истеъмол бозори нормаллашиши ва тикланишини, уни моллар ва хизматлар билан тўлдиришни таъминлаши лозим. Бу аҳолининг ижтимоий норозилигини кўп жиҳатдан пасайтиради ва бозор иқтисодиётига ўтиш борасидаги кейинги ишларни анча енгиллаштиради, моддий манфаатдорликни, меҳнат ва хўжалик фаоллигини кучайтиради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг бозор омилларини қўлланиш учун қисқа муддат ичида шарт-шароит яратиш мақсадида айни бир вақтда иқтисодиётни давлат тасарруфидан ва яккаҳокимликдан чиқаришга, кордонлик ва рақобатни ривожлантиришга доир тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Бозор омилларигина пулнинг қадрсизланиши кучайишини чеклаши, маҳсулот ҳажми кўпайиши ва хилма-хил бўлишига, унинг сифати яхшиланишига ҳамда сарф-харажатларнинг камайишига кўмаклашиши мумкин. Ана шу омиллар тўла куч билан ишламагунича қаттиқ молия-кредит сиёсатига амал қилишга, баъзи соҳаларда эса пулнинг қадрсизланиши бошқариб бўлмайдиган даражага келишига йўл қўймаслик учун бевосита маъмурий таъсир чораларидан фойдаланишга тўғри келади. Шу муносабат билан ўтиш даврида иқтисодиётни тузилиш жиҳатидан қайта қуришда энг долзарб тадбирлар билан чекланишга мажбур бўлинади.

Ана шу машаққатли йўлни имкони борича қисқа муддатда босиб ўтиш керак. Бошқа мамлакатларда барқарорлаштирувчи дастурларни қўлланиш тажрибаси, ўтказилган ҳисоб-китоблар ва бизнинг шарт-шароитга нисбатан тахминлар бу давр тахминан бир ярим-икки йил бўлишини кўрсатмоқда. Мамлакат Президентига берилган қўшимча ваколатлар худди ана шу даврга мўлжаллангган.

Ана шу даврдан кейин тўлақонли бозорнинг ривожланиши бошланади, структуравий-инвестиция сиёсати фаол ўтказилади, совет кишилари турмушини яхшилашнинг асоси сифатида ишлаб чиқариш юксалтирилиб, унинг самарадорлиги оша бошлайди.

Иттифоқ, жумҳуриятлар ва маҳаллий маъмурият идоралари халқ ишончини қозонишга умид қилиши мумкин бўлган нисбатан қисқа давр мобайнида халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва ўзгартишларни рўёбга чиқариш керак бўлади. Бу нарса бозорни ривожлантириш йўлларини очади ва иқтисодиётда ҳамда одамлар турмушида сезиларли ўзгариш бўлишини таъминлайди.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозорга ўтиш вазифалари тўрт босқичда бажарилади.

### I босқич—Фавқулодда тадбирлар дастури

Дастурда аввал бошданоқ иқтисодий ислоҳотнинг асосий принциплари ва йўналишларини мустаҳкамлайдиган қонун ҳужжатларини жорий этиш эълон қилинади, энг муҳими халқ хўжалигини барқарорлаштиришга доир туркум тадбирлар амалга оширила бошлайди. Бу тадбирлар:

давлат бюджети камомадини қисқартириш йўли билан молия соҳаси ва ортиқча пул муомаласини соғломлаштиришни, пул чиқаришни бартараф этиш, банк системасини қайта қуриш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини тартибга келтиришни;

омонат банкларда аҳолининг сақланаётган пул маблағларига фоиз ставкаларини ошириш йўли билан уларни ҳимоя қилиш, аҳоли даромадлари ва харажатларини мутаносиблаштириш, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва шу асосда истеъмол бозорини тиклаш ҳамда нормаллаштиришни;

ўзаро маҳсулот етказиб беришни барқарорлаштириш ва иложи борича, ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олишни; мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни, ер ислоҳоти ўтказилишини;

ташқи иқтисодий алоқаларни барқарорлаштиришни таъминлайди.

Мазкур босқичда нарх-навонинг ўса бошлаганлигини тўхтатиш, улгуржи ва харид нархлари ўсишини чеклаш, ёқилғи, хом ашё, конструкция материалларига давлат нархларини босқичма-босқич кўтариш, оммавий эҳтиёж молларига давлат харид нархлари даражасини назорат қилиш жуда мураккаб ишдир. Буларнинг ҳаммаси, бир томондан харид ва улгуржи нархлар кўтарилиши сабабли ортиб бораётган давлат камомадини қоплаш ва пулнинг қадрсизланиши назорат қилиб бўлмайдиган даражага етишига йўл қўймаслик, иккинчи томондан, кейинчалик бозорга ўтишни жадаллаштириш учун товар-пул соҳасини мутаносиблаштириш шароитларини яхшилаш мақсадида қилинади.

### II босқич—Қаттиқ молиявий чеклашлар ва нарх-наво белгилашнинг ўзгарувчан системаси

Мазкур босқичнинг асосий мазмуни — ишлаб чиқариш техникавий йўналишдаги маҳсулотлар ва истеъмол молларининг кенг доираси юзасидан бозор нархларига изчил ва босқичма-босқич ўтишдан иборат. Аввалги босқичда кўрилган тадбирлар пулнинг қадрсизланиш жараёнлари ниҳоятда ўсиб кетишини олдини олиши керак. Бундан кейин ҳам қаттиқ молиявий ва кредит сиёсати воситалари ёрдамида пулнинг қадрсизланиш жараёнлари тўхтатиб турилади.

Мазкур босқичда барча молларнинг камида учдан бир қисми — ёқилғи, хом ашё ва материалларнинг қатъий давлат нархлари сақланади, бу эса нархнинг умумий даражасини ҳамда аҳолининг бир амаллаб кун кечиришни таъминлайдиган энг зарур истемол моллари давлат чакана нархларини бошқариб туриш учун муҳим восита ҳисобланади.

Айни вақтда кичик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш миқёслари кенгаяди, улар хусусийлаштирилади, бозор инфраструктураси ривожланади.

Аҳоли учун маҳсулот ишлаб чиқараётган тармоқлар фойдасига капитал маблағ ва бошқа ресурсларни қайта тақсимлашга доир махсус тадбирлар кўрилмоқда, уларни ривожлантириш ва кенгайтириш омиллари кучайтирилмоқда.

Фавқулодда тадбирлар ва нарх-наво шароитга қараб мослаштирилишининг дастлабки натижаси шунда кўриндики, истеъмол бозоридаги вазият анча яхшиланади, айниқса эҳтиёж ва таклифларга биноан нархларда сотилаётган моллар бозори яхшиланади. Молия-кредит сиёсати соҳасида ҳамда эҳтиёж борасидаги шов-шувларни пасайтириш юзасидан қанчалик қаттиқ ва изчил равишда тадбирлар амалга ошириладиган бўлса, нарх-навонинг ўсиши ҳам шунча пасаяди. Эркин савдода моллар пайдо бўлади. Бу ислоҳотнинг эришилиши мумкин бўлган дастлабки ижодий натижасидир ва унга албатта эришиш керак.

Ўтиш даврида аҳоли даромадларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг махсус омиллари, шу жумладан чакана нархларда ривожини ҳисобга олиб, уларни индексациялаш жорий этилади. Айни вақтда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан камбағал қатламларига ёрдам кўрсатиш тадбирлари амалга оширила бошлайди.

Бунда жумҳуриятлар, маҳаллий ҳокимият идоралари нарх-навони тартибга келтириш юзасидан турли чоралар кўришлари, шу жумладан оммавий эҳтиёж молларининг нархи фавқулодда кўтарилганида уларни вақтинча тўхтатиб қўйишлари бир қанча молларни нормага солиб, тақсимлашлари мумкин. Бунда жумҳуриятлар ва маҳаллий идоралар корхоналар ва савдода йўқотилган маблағлар ўрнини ўз бюджетларидан қоплайдилар, аҳоли даромадларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қиладилар.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат шартнома системаси тузилади. Бу система шартнома асосида давлат буюртмаларини тақсимлашни, улар асосида етказиб берилаётган маҳсулотларни бўлиб беришни ва нархларини тартибга келтиришни зиммасига олади.

### III босқич— Бозорни шакллантириш

Ушбу босқичнинг асосий вазифаси — бозор муносабатлари соҳасини кенгайтира бориб, хўжалик алоқаларининг янги системасини йўлга қўйган ҳолда ҳам истеъмол моллари, ҳам ишлаб чиқариш воситалари бозорини асосан барқарорлаштиришга эришишдан иборат.

Бу вақтда иқтисодиётда қарама-қарши жараёнлар кеча бошлайди. Бир томондан, бозор моллар билан янада кўпроқ тўлдирилишини кутиш мумкин. Бозор инфраструктураси жадал суръатларда ривожланади. Кордонликнинг хўжалик фаоллигига таъсири кучаяди. Моддий ресурслардан янада тежамкорлик билан фойдаланила бошлайди, ишлаб чиқариш запаслари қисқаради. Бўшатиб олинган ресурслар ишлаб чиқариш воситалари бозорини тўлдиради ва унинг барқарорлашишига кўмаклашади.

Мазкур босқичда уй-жой бозорининг шаклланишига, меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида ислоҳот ўтказишга, ижтимоий соҳада корхоналар ва маҳаллий Советлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни қайта қуришга, шунингдек нарх-навони бундан кейин ҳам шароитга мослаштиришга эътибор берилади.

Уй-жой бозорини вужудга келтириш — бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг зарур жиҳати ҳисобланади. У истеъмол бозори мутаносиблигига кўмаклашиб ва меҳнат фаоллиги омилларини кучайтира бориб, тўлов қобилиятига эга бўлган аҳоли эҳтиёжининг каттагина қисмини ўз домига тортиш қобилиятига эга бўлган энг муҳим моллардан бирини оборотга киритиш имконини беради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш системасини ҳам қайта қуриш талаб этилади. Унинг маъноси мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар учун қатъий белгилаб қўйилган маошни бекор қилиш ва давлатнинг энг кам миқдордаги маошини белгилашдан иборатдир. Бу нарса уй-жой харажатлари янги даражасини ва умуман бозор нархларида шахсий даромадлар ҳисобига эришилаётган фаровонликни ва хизматларнинг кенгайтирилган доирасини ҳисобга олиб, энг кам истеъмол бюджетидан ҳақ олишга асосланган бўлур эди. Иш ҳақининг аниқ-равшан оз миқдори меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишда муҳим восита бўлади. Айни вақтда пул ишлаб топиш имкониятидаги чеклашлар олиб ташланади.

Жумҳуриятлар ва маҳаллий идоралар ана шу билан боғлиқ ҳолда ва иқтисодий шарт-шароит ярата бориб, ижтимоий соҳа иншоотларини сақлаб туриш борасида корхоналар зиммасидан уларга фавқулодда нотекис тақсимланган вазифаларни олиб ташлаш ишларини кучайтирадилар. Бу билан корхоналар бозор муносабатларига анча енгил ўтадилар, уларнинг рақобат қобилияти ортади.

Аввалги босқичлардаги тадбирлар муваффақиятли амалга оширилса, иқтисодиёт: мутаносиблаштирилган нарх-наво ва бюджет, истеъмол моллари ва хизматлар билан тўлдирилган бозор, замонавий банк системаси, валюта бозори барқарор ишлаши учун амалда барча асосий шарт-шароит яратилади.

Уй-жой ислоҳоти авж олдирилганидан сўнг юзага келган шароит меҳнат бозорининг шаклланишига ёрдам беради. Меҳнаткашлар манфаатларининг ҳимоячилари сифатида касаба уюшмалари мустаҳкамланади, кордонлар ва бошқарувчиларнинг уюшмалари ташкил топади. Улар ўртасидаги битимлар асосида, давлатнинг бошқарув воситачилигида меҳнат бозорини ташкил этиш ҳамда даромадлар ва нарх-навонинг ўсиши устидан жамоат назоратини ўрнатиш имконияти пайдо бўлади.

Рақобат, кордонлик ривожлана бориб, нарх-наво барқарорлашган сари молия-кредит соҳасидаги чеклашлар олиб ташланади. Амалий фаоллик ривожланишига, инвестицияларнинг ўсишига кўмаклашиш учун солиқ солиш ва қарзлар учун олинадиган фоиз миқдори ўзгартирилади.

### IV босқич—Барқарорлаштириш даврининг тугалланиши

Мазкур даврнинг асосий вазифалари иқтисодиёт ва молия соҳаси барқарорлаштирилишини мустаҳкамлаш, истеъмол бозорини яхшилаш ва айниқса бозорга хос бўлган ўзини ўзи бошқаришнинг тўла омилларини шакллантириш учун зарур бўлган рақобат қила оладиган бозор муҳитини жадаллик билан вужудга келтиришдан иборат.

Шу даврда иқтисодиётни яккаҳокимликдан чиқариш, уни давлат ихтиёридан олиб, хусусийлаштириш йўлида анча силжиш зарур бўлади.

Иқтисодий фаолиятни энг аввало енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида, деҳқончилик шўъбаси ва хизмат соҳасида иқтисодий фаолликни

(Давоми 5-бетда).

